ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг

# МЕҲНАТ КОДЕКСИ

Янги таҳрири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
**БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**
ВАЗИРЛИГИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН АСОС

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Кодекс Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли** Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**”да амалга оширишга оид давлат дастурининг **135-бандига** асосан ишлаб чиқилган.

## ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА

**10 дан ортиқ Халқаро ташкилотлар:**

- Жаҳон банки
- Халқаро Меҳнат Ташкилоти
- Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси
- БМТ тараққиёт дастури
- Жаҳон савдо ташкилоти
- АҚШ иш берувчилар ассоциацияси
- Корея халқаро ҳамкорлик ташкилоти
- Cotton campaign ва бошқа халқаро нодавлат ташкилотлар иштирок этди

**94 та Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари,**
**63 та давлат тажрибаси ўрганилди:**

| ЕВРОПА | ОСИЁ | МДҲ ва бошқалар |
|---|---|---|
| Германия | Сингапур | Молдова |
| Англия | БАА | Озарбайжон |
| Бельгия | Малайзия | Қозоғистон |
| Дания | Япония | Қирғизистон |
| Испания | Вьетнам | Россия |
| Ирландия | Грузия | Тожикистон |
| Италия | Исроил | Туркманистон |
| Люксембург | Индонезия | Беларусь |
| Норвегия | Ж.Корея | Австралия |
| Португалия | Тайланд | Бразиля |
| Турция | Филиппин | Канада |
| Чехия | Хитой | АҚШ |
| Франция | Ҳиндистон | Чили |

Халқаро ташкилотларнинг мутахассислари,
иш берувчилар (**100** дан зиёд),
касаба уюшмалари,
жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари (**500** дан зиёд) иштирокида
**76 та тадбир,** шундан:
**4 та халқаро конференция,**
**15 та семинар,**
**57 та муҳокамалар, шундан**
**24 таси туманларда**
ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини муҳокама қилиш порталида (regulation.gov.uz)
**3 марта жамоатчилик муҳокамаси** ўтказилди.
Фуқаролар томонидан
**93 та таклифлар** берилган.
(ишга қабул қилиш ва бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат таътили, дам олиш ва иш вақти масалалари)

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

Ўзбекистон Республикаси
**МЕҲНАТ КОДЕКСИ**

**Амалдаги**

**2** қисм,
**16** боб
**294** модда

**Янги** таҳрирда

**2** қисм,
**7** бўлим
**34** боб
**581** модда

## Кодекс мақсади

**Ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларининг мувозанатини** таъминлаш ҳамда уларни мувофиқлаштириш асосида якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган **ижтимоий муносабатларни тартибга солади.**

## Кодекснинг асосий вазифалари

ходимлар **меҳнат ҳуқуқлари** ва **эркинликларининг**, шу жумладан меҳнат қилишга, эркин иш танлашга, **адолатли** ва **хавфсиз** меҳнат шароитларига ҳамда **ишсизликдан ҳимояланишга** бўлган ҳуқуқининг **давлат кафолатларини белгилаш**;

иш берувчиларнинг **кадрларни танлаш**, жой-жойига қўйиш ва **самарали меҳнат жараёнини** ташкил этиш соҳасидаги ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш;

меҳнат соҳасида **ижтимоий шерикликни** рағбатлантириш ва ривожлантириш;

**ходим**лар ва **иш берувчи**ларнинг **ҳуқуқлари** ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш.

# МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ БЎЛИМЛАРИ

## Умумий қисм →

- умумий қоидалар
- меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик



## Махсус қисм

- Ишга жойлаштириш
- Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар
- Ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
- Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари
- Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. меҳнат низоларини кўриб чиқиш

# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- Кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар
- Кодекснинг асосий вазифалари
- Меҳнат муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари
- Меҳнат қонунчилигининг амал қилиш соҳаси
- Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва локал ҳужжатларнинг ўзаро нисбати
- Меҳнат муносабатларининг субектлари ва ушбу муносабатларнинг юзага келиш асослари

# МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

- Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тушунчаси ва асосий принциплари
- Иш берувчи ва ходимларнинг вакиллиги
- Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича комиссиялар
- Жамоавий музокаралар ўтказиш тартиби
- Якка тартибдаги ва жамоавий меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби
- Меҳнат муносабатларида жамоатчилик назорати

# ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ

1. Ишга жойлашиш ҳуқуқи ва ишга жойлаштиришдаги давлат кафолатлари
2. Иш берувчининг бандлик ва ишга жойлаштириш соҳасидаги мажбуриятлари
3. Иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобига ишга жойлаштириш
4. Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш чоғидаги кафолатлар
5. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда ўртача ойлик иш ҳақини ишга жойлаштириш даврида сақлаб қолиш кафолатлари



Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

# ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР

- Меҳнат шартномаси тушунчаси, тарафлари ва мазмуни
- Меҳнат шартномасининг кучга кириши ва ишнинг бошланиш санаси
- Меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш (ЯММТ)
- Меҳнат шартномаси муддатлари
- Ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган ёш
- Ишга қабул қилиш босқичлари
- Дастлабки синов натижаси
- Ходимни бошқа иш берувчига вақтинча хизмат сафарига юбориш
- Ходимни ишдан четлаштириш
- Меҳнат шартномасинин бекор қилиш ва унинг оқибатлари

# ХОДИМЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

- Ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тушунчаси
- Мураббийлик
- ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- Ишлаб чиқаришдаги таълим билан боғлиқ меҳнат муносабатлари
- Ишни таълим билан бирга олиб борувчи ходимлар учун кафолатлар ва компенсациялар

# АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланади:

- Меҳнат муносабатлар-ининг субъектлари (аёллар, оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаганлар) бўйича
- меҳнат фаолиятининг соҳалари, тармоқлари ва турлари (педагоглар ва тиббиёт ходимлари, транспорт ходимлари ва бошқалар) бўйича
- меҳнат шароитларининг оғирлигига ва (ёки) зарарлилигига қараб
- табиий-иқлим шароитларига қараб
- ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг хусусиятлари (касаначилар, масофадан туриб ишловчи ходимлар ва бошқалар) бўйича

# ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

## ИШ БЕРУВЧИЛАР

- Муддатли меҳнат шартномасини тузиш асослари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда
- Муддатли меҳнат шартномаси муддати бир марталик узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилдан 3 йилгача қисқартирилмоқда
- Ходимни бошқа иш берувчига хизмат сафарига юбориш тартиби белгиланмоқда
- Иш берувчи томонидан иш вақти режимининг турли хил вариантларини белгилаш механизми жорий этилмоқда
- Иш берувчи томонидан хизмат текширувларини ўтказиш ва ишдан четлаштириш тартибга солинмоқда

## ХОДИМЛАР

- Ишга қабул қилиш босқичлари, жумладан, ишга кириш тартиблари белгилаб олинмоқда
- Айрим тоифадаги ходимлар (раҳбарлар, бош бухгалтерлар) учун синов муддати 3 ойдан 6 ойгача узайтирилмоқда
- Ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан "меҳнат шартномасини бекор қилиш" асоси чиқариб ташланмоқда
- Ишдан бўшатиш нафақасини иш берувчида ишлаган иш стажига қараб дифференциялашган миқдори белгиланмоқда
- Ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга бағишланган нормалар киритилмоқда
- Дам олиш куни давлат байрамлари (ишланмайдиган байрам кунлари) кунларига тўғри келган тақдирда кўчириш қоидаси киритилмоқда
- Меҳнат таътилининг минимал давомийлиги календарь кунларда (15 иш куни ўрнига 21 календарь куни) белгиланмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

## **Амал қиладиган** ва **қўлланилмайдиган** соҳалар белгиланмоқда

| татбиқ этилмайди | қисман татбиқ этилади | тўлиқ татбиқ этилади |
|---|---|---|
| Муддатли ҳарбий хизматчилар, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишлаётганлар, кузатув кенгаши аъзолари ва тафтишчиларга | Ҳарбийлаштирилган органлар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, қутқарувчиларга | Бошқа барча иш берувчи ва ходимлар, чет элдаги дипломатик ташкилотлар |

## Меҳнат жараёнларини **рақамлаштириш**

my.mehnat.uz

электрон меҳнат дафтарча
электрон меҳнат шартномалар
ягона ахборот базаси

- мамлакатда барча иш берувчилар тўғрисидаги маълумотлар жамланди
- расмий равишда ишловчи ходимлар тўғрисидаги маълумотлар жамланди
- мавжуд бўш (вакант) иш ўринларини реал вақтда кўриш имконияти яратилди
- тизимда электрон меҳнат дафтарчалари шаклланади, ходимларнинг меҳнат стажи электрон ҳисобланади ҳамда юритилади
- меҳнат бозорини чуқур таҳлил қилиш имкони яратилди

**ЯММТ**
**(октябрь 2022й.)**

**665** мингдан ортиқ иш берувчилар киритилган

**5,4** млн мавжуд иш ўринлари рўйхатга олинган

**5,1** млн ходим тўғрисидаги маълумотлар киритилган

**297** минг бўш (вакант) иш ўрни мавжуд

## Меҳнат шартномасини тузишда айрим муносабатлар

| | | |
|---|---|---|
| Электрон шаклдаги меҳнат шартномалари | Шартномада бекор қилиш асослари белгиланади | Санъат, спорт, масофадан ишлаш каби соҳаларда шартнома тузиш тартиблари белгиланган |
| муддатли меҳнат шартномаси **3 йил** (амалда – 5 йил) | дастлабки синов (умумий 3 ой, раҳбарларга 6 ой) белгиланмайдиган **тоифа** кенгайтирилмоқда (грант асосида таълим олган битирувчи, **18** ёшга тўлмаган шахс) | ходимни **1 йилга** бошқа иш берувчига **вақтинчалик хизмат сафарига юбориш** тартиби белгиланмоқда |

## **Ишдан бўшатиш нафақаси** бериш тартиби ўзгартирилмоқда

иш стажига эга ходимлар – ўртача ойлик иш ҳақининг

| 3 йилгача | 3 йилдан 5 йилгача | 5 йилдан 10 йилгача | 10 йилдан 15 йилгача | 15 йилдан ортиқ |
|---|---|---|---|---|
| **50%** | **75%** | **100%** | **150%** | **200%** |

оз вақт ишлаган ходимга (бир неча кун ёки ой) узоқ стажга эга ходим билан бир миқдорда нафақа берилмоқда, бу эса ижтимоий адолат принципи ва ХМТнинг 158-Конвенциясига тўғри келмайди

## **Иш вақти** турлари (режими) кенгайтирилмоқда

- Сменали иш
- мослашувчан иш вақти
- иш кунини қисмларга бўлиш
- хизмат сафаридаги иш вақти
- бошқалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

## **Микрофирмалар, ЯТТларда** меҳнат қонунчилиги соддалаштирилмоқда

- меҳнат шартномасини бекор қилиш муддати **2** ойдан **1** ҳафтага қисқартирилмоқда
- ЯТТларда огоҳлантириш муддати **2** ойдан **2** ҳафтага қисқартирилмоқда
- уй ишчилари меҳнати тартибга солинмоқда
- (боғбонлар, энагалар, қоровуллар, хизматкорлар, котиблар ва бошқалар)

## **Меҳнатга ҳақ тўлаш** тизими

Иш ҳақини қарз мажбуриятлари, квитанция, купон шаклида тўлаш тақиқланди

меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги махсус шартлари киритилди *(қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вақти, янги ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлик учун ва бошқалар)*

иш ҳақи қисман сақланадиган таътил тизими жорий этилди, муддати 6 ой (ҳозирда 3 ой)

турли хил малака талаб қилувчи ишларни бажарганлик учун, шунингдек янги ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлик учун иш ҳақи тўлашнинг хусусиятлари белгиланди

## **Меҳнатни муҳофаза қилиш** масалалари

иш берувчиларнинг мажбуриятлари белгиланди

ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ишлар бажарилишини **рад этиш механизми соддалаштирилди**

## **Меҳнат низоларини** кўриб чиқиш

- жамоатчилик назорати механизмлари акс эттирилмоқда
- якка меҳнат низолари комиссияларда ёки судда ҳал этилиши ҳолатлари кўрсатилмоқда
- якка меҳнат низоси медиаторга юборилиши жорий этилмоқда
- меҳнат арбитражи тизими йўлга қўйилмоқда

Низоларни муқобил ҳал қилишнинг имкониятлари кенгайтирилади ҳамда судлардаги иш ҳажми камайтирилади

## **Айрим тоифадаги** ходимларнинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда

- аёллар, оилавий вазифаларни бажарувчи шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаганлар
- мавсумий (6 ой) ва вақтинчалик ходимлар (2 ой), педагоглар, тиббиёт ва транспорт ходимлари, спортчилар;
- кафолатлар нафақат онага балки **отага ва васийга** берилмоқда
- меҳнат шароитлари оғир ва зарар, табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган шахслар
- ўриндошлар, касаначилар, масофавий, вахта усулида ишловчилар
- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

Гендер тенглик нейтраллик тамойиллари, имконияти чекланган шахсларнинг, норезидентларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари таъминланади. Иш берувчилар томонидан меҳнат бозоридаги янги меҳнат турларидан фойдаланиш имконияти яратилади, меҳнат шартномасининг турлари кенгайтирилади ва норасмий бандларни легаллаштиришга эришилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Кичик бизнес субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларда банд **2,4 млн** аҳолининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари белгиланади

**6,1 млн** расмий банд аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солишдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар бартараф этилади

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича мурожаатлар **10-15** фоизга камайиб боради

**239 минг** ЯТТдаги ёлланма ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси таъминланади

**1 млн** мавсумий иш билан банд бўлганларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш имконияти яратилади

Меҳнат муносабатларида **коррупция** хавфи камаяди (хизмат текширувчи тартиби), “Ягона миллий меҳнат тизими” рақамлаштирилади

Норасмий секторда банд бўлганларнинг улуши 2026 йилга **30 фоизгача** камаяди

Масофадан ишловчилар меҳнат муносабатлари тартибга солинади

**Йилига 500 минг** қўшимча равишда фуқаролар бандлиги таъминланади

Йилига **30 минг ижтимоий ҳимояга муҳтож** ходимлар синов муддатисиз ишга қабул қилинади

Йилига Давлат бюджетига қўшимча **14 млрд** сўм пул маблағ тушади

**“Гендер нейтраллик”** тамойили таъминлади, жамоат назорати ўрнатилади

# МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

Меҳнат кодекси қабул қилиниши муносабати билан **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** томонидан амалга ошириладиган **асосий вазифалар**:

**2022-2023 йиллар давомида** Меҳнат кодекси меъёрларини тушунтириш мақсадида **100 минг нафарга** яқин ташкилот раҳбарлари ва кадр бўлимлари ходимлари учун **ўқув курслари ташкил этилади**;

**2022-2023 йиллар давомида** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда Кодексни тарғиб қилиш учун ОАВларда махсус брифинглар ва давра суҳбатлари ўтказилади, видеоролик ва репортажлар **намойиш этилади**;

**2023 йил 1 ярим йилликда “**Ягона миллий меҳнат тизими”да меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатадиган “**онлайн-инспекция.уз**” электрон платформаси ишга туширилади;

**2023-2024 йиллар давомида** меҳнат низоларини “бир дарча” тамойили асосида ҳал қилувчи “**Меҳнат Маслаҳати**” офислари барча ҳудудларда ишга туширилади;

**2023 йилда** Халқаро меҳнат ташкилоти ва ижтимоий ҳамкорлар билан биргаликда **Меҳнат кодексига шарҳлар** ишлаб чиқилади ва чоп этилади, унинг электрон версияси барча учун очиқ тарзда вазирликнинг веб-сайтига жойлаштирилади;

**ҳар йили** хорижий давлатларнинг Меҳнат инспекцияси ходимлари иштирокида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган **Халқаро форум ўтказилади**.